



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига ташриф буюрди.

Дастлаб бош бошқарманинг ахборот мультимедиа маркази фаолияти билан танишилди. Бу марказ энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган, жиноят ва ҳодисалар тўғрисида тезкор хабарлар тайёрлаш, брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказиш учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари бундай ахборот маркази ҳар бир бошқармада бўлиши кераклигини, тизимдаги ўзгаришларни ҳалққа етказиб, аҳолининг огоҳлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Ҳозир ҳамма телефонда, ижтимоий тармоқларда. Одамларни ички ишлар бўлимига чақирадиган ёки

қоғоздаги мурожаатини кутиб ўтирадиган замон ўтиб бўлди. Энди туман ва шаҳар бошқармасини маҳалла билан боғлайдиган, одамлар билан онлайн мулоқот қиладиган дастурий маҳсулот яратиш керак. Бутун ички ишлар тизими ахборот технологиялари асосида ишлаши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тизимида фойдаланилаётган махсус техника ва воситаларни кўздан кечирди.

Ташриф чоғида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг шон-шараф музейи очилди. Давлатимиз раҳбари уни кириб кўрди.

Музейда тарихнинг турли даврларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари акс эттирилган. Бошқарма шахсий таркибининг турли йиллардаги хизмат кийимлари, табель қуроллари, ускуна ва махсус воситаларидан намуналар кўргазмага қўйилган.

Музейнинг алоҳида бўлими ички ишлар органлари фахрийлари, хизмат бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган ходимларга бағишланган.

Шу ерда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни жиловлалаш ишларини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш, профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича янги тизим лойиҳаси тақдимот қилинди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида иштирок этди.

Йиғилишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги ишлари танқидий муҳокама қилинди.

— Ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳамма шароитларни яратиб, энг замонавий техникаларни олиб бердик. Катта ваколат, куч ва воситалар бор. Лекин натижа кутилганидек эмас. Органлар яқдил бўлиб, вертикал бошқарувни тўғри ташкил эта олмапти. Уларнинг ишидан ҳалқимиз норози, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тартиб-интизом, қонунларга ҳурмат, аҳолининг осойишталиги, энг аввало, маҳаллада тўғри йўлга қўйилиши зарурлиги таъкидланди. Бу борада қўрилган дастлабки чоралар натижасида ўтган йили 4 минг 500 дан зиёд маҳаллада биронта ҳам жиноят бўлмаган. Лекин, кўп раҳбарлар маҳаллага тушиб ишламагани, муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, ҳал қилмагани оқибатида айрим маҳаллаларда жиноятлар ошгани кўрсатиб ўтилди.

Жиноятчиликни маҳаллаларда жиловлалаш, профилактика инспекторининг иш юкласини енгиллаштириб, натижадорлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

— Қайси ҳоким профилактика инспекторини қабул қилиб, гаплашди? Унинг бир кунлик ишини, оилавий шароитларини ўрганди? Ҳамма "каттакон" участка нозирига буйруқ беради. У ҳамма нарса билан шуғулланыпти, кўп вақт йўқотяпти, асосий иши қолиб кетяпти. Ўзи энг катта меҳнаткаш — профилактика инспектори. Агар унга шароит яратсак, у давлатдан рози бўлиб ишласа, кўп масалалар ҳал бўлади, — деди Президент.

Ички ишлар идораларининг барча бўғинида қоғозбозлик ва бюрократияни кескин камайтириб, иш юртишчи рақамлаштириш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида ахборот технологиялари бўйича алоҳида вазир ўринбосари лавозими жорий этилгани маълум қилинди.

Соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, профилактика инспекторлари ва терговчиларнинг билимини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

— Ички ишлар ходимлари туну кун, ҳар қандай шароитда эл хизматида, — деди Президент. — Бу пандемия шароитида, Бухоро ва Сардобадаги оғир кунларда яққол кўринди. Бошқа пайт ҳам хавф-хатар доим уларнинг ёнида. Иш ҳақини белгилашда буни инобатга олиш зарур. Шунинг учун, жорий йилда барча ички ишлар ходимлари иш ҳақи 30 фоизга, жамоат хавфсизлигини таъминлашга бевосита жалб этилган, содда қилиб айтганда, маҳаллада хизмат ўтовчи ходимлар иш ҳақи эса 60 фоизга оширилади.

Йиғилишда айрим тузилмалар раҳбарлари лавозимидан озод этилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан ички ишлар вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоят ҳокимлари ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛИГИГА

ДУНЁНИНГ ИЛМИЙ НИГОҲИ ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИГА ҚАЙТМОҚДА



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири

Вақт шиддат билан ўтиб бормоқда. Янги асрнинг иккинчи ўн йиллиги якунида дунё яна бир мураккаб силсилага дучор бўлди. Сиёсий ҳаританинг ҳар икки палласи жунбушга келгандай гўё.

"Бу дунёнинг жамики иллатлари якунланаётган асрда қолиб кетади, инсоният янги юз йилликка покланиб қадам қўяди, ижтимоий адолат қарор топади", деган орзу-умидлар ўзини оқламади. Маълум бир минтақада, қитъада сиёсий, иқтисодий гегемонлиқни қўлга киритиш учун кураш давом

этномоқда. Инсон бойлиқни эмас, бойлик инсонни бошқарадиган замонлар келаятганга ўхшайди. Давос формуларидан бирида айтилганидек, "капитал ўзининг инсоний қиёфасини йўқотмоқда".

Донишманд бобомиз Азизиддин Насафий ўзининг комил инсон ҳақидаги китобида: "Дунё ҳеч қачон бир ҳолатда узоқ туриб қолмайди, у гоҳ денгиз тўлқини янглиғ баландликка кўтарилади, гоҳ пасаяди", деган эди. Биз бугун айтиш шунчалар ҳолатга гувоҳ бўлиб турибмиз. Инсоният пандемия туфайли юзага келган мураккаб шароитда яшашга, вакцина бозоридан янглишиб қолмасликка ўрганимоқда. Собиқ иттифоқ таркибидан чиқиб, миллий мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатлари ҳам бу жараёндан четда қолаётгани йўқ.

Ер-суви, тоғ-тошлари, қон томирларию тарихий илдизлари ўзаро туташ республикалар ижтимоий-сиёсий ҳаётига назар ташлаган киши бу беш кўшн дунё ҳамжамиятининг фаол аъзосига айланишга, жаҳон бозорларидан мустақкам жой олишга интилаётгани, аммо бу жараён ҳар жойда турлича даражада кечаётганини сезади. Пандемия асоратларидан қутулишнинг тугал андозаси ҳеч жойда йўқ. Аммо тождор офатга қарши оқилона чоралар кўрганлар ундан оғир талафотларсиз чиқишмоқда.


Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

САНОАТ "ДРАЙВЕРИ"НИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

2021 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти камида 5 фоизга ўсиши кутиляпти. Мурожаатномада мазкур мақсадга эришишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Энг аввало, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озик-овқат ҳамда "яшил иқтисодиёт" билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимизнинг "драйверлари"га айланиши зарур. Бунда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, кооперацияни тараққий эттириш алоҳида ўрин тутди.



Табиий савол туғилади. Нега айнан ушбу омилланинг етакчи куч бўлишига ишонч билдириляпти? Тўғри, иқтисодий барқарор ўсишнинг таъминлашда барча тармоқларнинг ривожини ва ҳиссаси алоҳида ўрин тутди. Лекин таҳлиллар

жаҳонда пандемия авж олиб, иқтисодий инқироз шароитида юқорида қайд этилган уч омил асосий кучга айланиш тармоқ ва корхоналарда ривожланиш жадаллашиб, бошқа соҳаларни ҳам ўз ортидан етаклаётганини кўрсатмоқда.



ПАРДОЗБОП ТОШЛАР КЛАСТЕРИ

Пештоқиға "Мармаробод" деб ёзилган биного киришингиз билан унинг кенг саҳнидаги дастгоҳларнинг маҳобати эътиборингизни тортади. Улар тоғ жинсларини ҳар қандай ҳажмда ва қалинликда кесади, мәрмар ва гранитларга камалақдай жило бериб, чиройли маҳсулотга айлантиради.

— Энг сўнгги авлодга мансуб бу дастгоҳлар Хитойдан келтирилган, — дейди "НБУ Фозгон инвест" МЧЖ компанияси раҳбари Отабек Қурбоннов. — Улар компьютер дастурлари орқали инсон ақлини шоширадиган ишларни бажара олади. Энг муҳими, аънавийларига нисбатан маҳсулот таннаҳрини тўртдан бир баробар камайтирган ҳолда, йилга 1,2 миллион кубометр маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга. Бу жиҳатдан ишлаб чиқаришимиз соҳадаги энг йирик корхона ҳисобланади.

Дастлабки босқич доирасида компаниямиз ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида 14 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Айни кезде мармарга ишлов бериш бўйича австриялик ишбилармонлар билан янги қўшма корхонани ташкил қилиш лойиҳаси устида иш олиб бораёмиз.

Президентимизнинг 2018 йил баҳорида Навоий вилоятига ташрифи чоғида мазкур ишларга таъминот тоши қўйилган эди. Топшириққа мувофиқ, "Мармаробод" давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Бир йил давомида 10 миллиард сўм маблағ эвазига дастлиқдаги 6 гектар ерда замонавий корхона ишга туширилди. Хориждан 655,5 миллион долларлик технология олиб келиниб, йилга 24 минг квадрат метр гранитни қайта ишлаш имконияти яратилди.

Давоми 3-бетда



“НАМАНГАННИ ЮРАГИМИЗГА МУҲРАДИК...”

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Яқинда Покистоннинг Панжоб вилояти губернатори Муҳаммад Сарвар бошчилигидаги делегация Наманганга келди. Бу ташриф Наманган вилояти делегациясининг 2019 йил сентябрь ойида Покистонга сафарига амалий жавоб бўлди.

— Бизни Наманганда ўзбекона лутф ва меҳмондўстлик билан кутиб олишди, — дейди Панжоб губернатори Муҳаммад Сарвар. — Бу ерда ўзимизни ўз уйимизда юргандек ҳис этмоқдамиз. Вилоят раҳбари сифатида бизнесга кўмаклашиш менинг вазифам. Шу боис, мамлакатингиз билан бизнесни ривожлантириш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамиз. Шунингдек, таълим соҳаси, хусусан, университетларро, фармацевтика ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида ҳам манфаатли шериклик қилишни режалаштирганмиз.

Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Абдуразоқов Панжоб ва Наманган ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга экани, ўзаро ҳамкорлик стратегияси ва муайян йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилганини таъкидлади.

Учрашув якунида Наманган ва Панжоб вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва туризм соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Минтақалараро ҳамкорликнинг амалий аҳамияти ва салоҳиятини инобатга олиб, Наманган ва Панжоб “биродарлашган ҳудудлар” дея эълон қилинди.

Панжоблик расмийлар, инвестор ва тадбиркорлар Наманган шаҳридаги йирик корхоналар — ҳушбичим либослари билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин олган “Ифтихор кийим саноат” масъулияти чекланган жамияти, маҳсулотларининг 90 фоизи МДҲ ва Европа мамлакатларига экспорт қилинаётган “Aisha Home Textile” кўшма корхонаси, сочиқ ва халатларининг 80 фоизи хорижга сотилаётган “Art soft klaster” холдинг компанияси фаолияти билан ақидан танишдилар. Минг киши ишлаётган “Art soft klaster”даги тўқув, бўёқ ва тикув цехларини кўздан кечиришди. Шу ернинг ўзига “Ўзтўқимачилик саноат” уюшмиси, Покистон тўқимачилик фабрикалари уюшмиси ва Наманган вилояти ҳокимлиги ўртасида уч томонлама ҳамкорлик меморандуми расмийлаштирилди.

Хорижлик делегация аъзолари Давлатобод туманидаги “Юксалиш” кичик саноат зонасида ҳам бўлдилар. Мазкур саноат ҳудудида турли йўналишлардаги корхоналарнинг фаолият бошлаши натижасида 8 мингдан зиёд фўкаро бандлиги таъминланган, маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилади. Меҳмонлар бу ерда янги, истиқболи улкан лойиҳалардан бири — “Glass Expo” МЧЖнинг ойна, шиша ишлаб чиқариш корхонасининг қурилиш жараёниларини кўздан кечиришди.

Навбатдаги манзил Чортоқ туманидаги Султон Увайис Қараний қадамжоси бўлди. Покистонликларга мазкур зиёратгоҳ тарихи, файзли масканда сўнгги йилларда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари тўғрисида маълумот берилди. Зиёратгоҳнинг сўлим табияти ва шифобахш бўлоқлари, айниқса, музейда сақланаётган Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаси меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Делегация аъзолари шифобахш маъданли сув қадоқлайдиган “Chortoq Mineral Water” кўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.



— Бугунги кунда Ўзбекистонда ўз бизнес тармоқларимиз мавжуд, — дейди Покистоннинг “International Business System” импорт-экспорт компанияси директори Атиф Насим. — Ташриф давомида Наманган вилоятининг ишлаб чиқариш ва инвестициявий салоҳияти диққатимизни тортиди. Айниқса, тўқимачилик бўйича юқори тажриба тўпланганига амин бўлдик. Панжоблик дўстимиз билан бирга Наманганда қиймати 250 миллион долларлик лойиҳани амалга ошироқчимиз. Агар бу режамизни амалга оширсак, вилоятингизда жинси матосини тайёрлаш йўлга қўйилади.

Панжоб ҳўкумати аъзолари, йирик компаниялар раҳбарлари ва тадбиркорлар Намангандаги “Шодиёна” тантаналар мажмуасида ташкил этилган “Made in Namangan” кўргазмаси ва “Наманган — Панжоб” бизнес-форумида иштирок этди.

Кўргазмада саноат, фармацевтика, озиқ-овқат, тўқимачилик каби турли йўналишларда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар, ҳўнамандларнинг қўл меҳнати билан тайёрланган буюмлар намойиш қилинди.

— Ўтган 2020 йилда Покистон билан Ўзбекистоннинг Наманган вилояти ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллион 400 минг АҚШ долларидан иборат бўлди. Аммо бу рақамлар икки томоннинг имконияти ва салоҳиятига мос эмас. Мазкур ташриф бу кўрсаткичларни оширишга хизмат қилади, — дейди бизнес-форум аввалида сўзга чиққан Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Абдуразоқов.

Покистон тўқимачилик фабрикалари уюшмиси раиси Гоҳар Ихаз форумда ўзаро манфаатли ришталарни мустаҳкамлаш, уни юқори босқичга кўтариш юзасидан ўз тақлиф ва ташаббусларини илгари сурди.

Ташриф жараёнида покистонликларга Наманган вилоятининг инвестициявий жозибдорлиги ва туризм салоҳияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Меҳмонлар кўргазма, форум ва ўзаро музокараларда вилоятнинг тўқимачилик, ҳўнамандлик, туризм сингари юқори самарадор йўналишлардаги салоҳиятига катта қизиқиш билдирди.

Форум якунида ишбилармон доира вакиллари ва етакчи компаниялар, бошқармалар ўртасида музокаралар ўтказилди. Натижада енгил саноат, қишлоқ ҳўжалиги, туризм соҳалари бўйича икки томонлама ўзаро ҳамкорлик бўйича бир қатор манфаатли келишувлар имзоланди.

Покистоннинг Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Сайид Али Асад Ёллоний савмиий ва қизгин кечган мулоқотлар урф-одатлари, диний қадриятлари анча ўхшаш, мақсадлари муштарак бўлган икки халқ дўстлиги янада маҳкам боғланишига, бардавом бўлишига замин яратишини таъкидлади.

— Наманганни юрагимизга муҳрадик. Ҳар биримизнинг оптимизмдан минглаб покистонликлар софдил ва очик чеҳрали, тадбиркор ва ташаббускор инсонлар юрти бўлган Ўзбекистоннинг Наманган вилоятига келадилар, — деди Панжоб губернатори Муҳаммад Сарвар. — Ўйлаётганимиз, ташриф давомидаги режа ва мақсадларимиз рўёбга чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛИГИГА

ДУНЁНИНГ ИЛМИЙ НИГОҲИ ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИГА ҚАЙТМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бундан атиги ўттиз йил аввал Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи, одамларининг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида дунё тасаввури анча тор эди. Бугун бутунлай ўзгарган, танлаган йўлидан қайтмай, расмий эътирофларга сазовор бўлаётган, Учинчи Ўйғониш пойдеворини яратётган янги Ўзбекистон дунё харитасида кўзга аққол ташланмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганида собиқ тоталитар тузум раҳбарлиги: миллий республикалар Москвасиз ҳеч ёққа бора олмайди, эрта-индин ҳўзуримизга бош эгиб келади. Ўзбекистон маърифий дунёдан узилиб, диний маҳдудликка берилади, бу ерда энди ҳаёт ўрта асрлар даражасига тушади, диний-хурофий қоидалар жорий этилади, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада замонавий саноат индустриясининг гуриллаши эмас, музизинларнинг масжид минораларидан тараладиган ибодатга чорловчи ҳазин овозлари эшитилиб туради қабилади “башорат”лар қилишди. Шу мақсадларига эришиш учун ижтимоий-сиёсий фитналар уюштиришди, миллий республикаларга таъйик ва босим ўтказилди.

Не бахтки, бундай бўлмади. Ўзбекистон эркин, очик, замонавий давлатга айланиш, соғлом маънавий илдиларига туташиб, шонли ўтмишини эртанги келажаги билан боғлаш йўлини тутди. Тадбиркорлик умумхалқ ҳаракатига айланди. Жамиятда янги мулкдорлар синфи пайдо бўлди, хусусий мулкка, мулкдорларга муносабат тубдан ўзгарди. Диний эътиқод учун таъйик қилиш барҳам топди. Одамлар ўз меҳнатлари самараларидан ҳеч бир тўсиқсиз

ҳўқи суради. Соҳибқирон Амир Темур “Мамлакат тўжорлар билан ободдир”, деб бежиз айтмаган. Собиқ тузум мана шу оддий ҳақиқатни тушунмади, аниқроғи, тушунибди хоҳламади. Қўли гул, ишчан, ҳаракатчан одамларнинг йўлини тўсди, тадбиркорлик қонунан жиноий ҳатти-ҳаракатга тенглаштирилди ва бундай мантисиз сиёсат, охир-оқибат, тузумнинг ўзини таназзулга олиб келди.

1991 йили давлат раҳбарлигига келган Ислом Каримов мамлакатдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил қилиб, “Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди, бошқаларнинг миннатли ёрдамига эмас, фақат ўзимизга, ўз кучимизга, халқимизнинг салоҳияти ва иродасига таяниб иш кўраимиз”, деган эди. Бундан тўрт йил аввал мамлакат раҳбарлигига келган Шавкат Мирзиёев бу мақсад уфқларини кенгайтирди. Мамлакат Президентининг янги сиёсати, энг аввало, одамларни эшитиш, муаммоларни аниқлаш, жамият ҳаётида ижтимоий адолат қарор топишига ишонч руҳини пайдо қилиш, халқимиз келажақда эмас, бугуннинг ўзига ўз ҳаётидан, фарзандлари камолидан рози бўлиб яшашига эришиш, яқин ва узоқ мамлакатлар билан яхши қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, элни элга қўйиш, дилни дилга боғлашга ҳалақат бераётган сунъий тўсиқларни олиб ташлашдан бошланди. Мактабгача тарбия ва мактаб таълими, янги ёш авлод тарбияси миллиятнинг эртанги тақдирини белгиловчи вазифа мақомига кўтарилди.

Иккинчи жаҳон урушида енгилган, иқтисоди пароканда бўлган Япония бутун имкониятларини мактаб таълимига сарфлаб, тез

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёсасини шакллантиришда ижодкор зиёлиларнинг фаоллиги, мамлакатда эркин ижодий муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Кейинги тўрт йил ичида давлат раҳбари бошчилигида мамлакатда маданият, маънавият, бадиий ижод, кино ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Ҳар йили йигирмага яқин ёш шоир ва адибларнинг биринчи тўпламлари кўп нусхада чоп этилмоқда. Мамлакат вилоятларида халқимизнинг таниқли шоир, адиб ва олимлари Абдулла Қодирӣ, Исҳоқхон Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларининг ташкил этилиши мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ижодий ташкилотларнинг Италия, Франция, Германия, Испания, Туркия, Ҳиндистон, Миср ва бошқа мамлакатлар ижодий жамоатчилиги билан алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбек адибларининг янги асарлари АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия, Беларусь ва бошқа мамлакатларда чоп этилмоқда.

Азим пойтахтимиз марказида қад ростлаган “Адиблар хиёбони”да, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги замонавий биносидан ижодкор устозларнинг маҳорат дарсларини ўтказиш, шеърят кечалари, баҳс-муноза-ралар, янги асарларнинг тақдироти ташкил этиш аънава тусини олди.

Давлат юздан ортик ижодкорлар, жумладан, ёш истеъдод эгаларини янги уй-жой билан таъминлади. Мамлакатимиздаги ун мингга яқин ўрта умумий мактабларнинг кутубхо-



налари сермазмун бадиий асарлар, адабий-маърифий йўналишдаги журналлар билан тўлдирилмоқда. 1997 йилдан бери чоп этилаётган “Жаҳон адабиёти” журна-лида ҳозирга қадар Фарб ва Шарқ классик адабиётининг машҳур намоянда-лари Хулио Кортасар, Лесли Уоллер, Марк Твен, Теодор Драйзер, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Жон Голсуорси, Уайльд Оскар, Ирвин Шоу, Эдгар По, Чарльз Диккенс, Лев Толстой, К.Паустовский, А.Чехов, Жюльон Халил, Жури Зайдон, Луис Борхес, Паоло Коэльо, Дино Буццати, Сервантес, Габриэль Маркес, Сетон Томпсон, Фридрих Нитше ва бошқаларнинг дунёга машҳур асарлари ўзбек тилида чоп этилди. Мамлакат ялпи китобхон жамиятга айланмоқда. Давлат раҳбарининг қарорига биноан, Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди. Пойтахт марказида Ислом цивили-

зацияси маркази қад ростламоқда. Бу табарруқ зиёратгоҳ муқаддас динимиз маърифатини яна бир бор намойиш этишига шубҳа йўқ.

Бугун Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси, адабиёт ва санъати, маънавий-ахлоқий, умуминсоний қадриятлари, шарқона одоб-ахлоқи билан ҳам дунёга чиқиш, мамлакатни чинакам ҳавас манзилига айлан-тириш тадбиригизни кўрмоқда. Йиллар ўтиб, дунёнинг илмий нигоҳи яна шу — икки дарё оралиғига қайтиши, Тошкент, Самарқанд, Бухоро универ-ситетларида таҳсил олиш янги дунё ёшлари учун орзу-ниҳатга айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тарихдан маълумки, ҳар бир раҳбар, у дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин, ўз фаолиятини у ёки бу даражадаги ишловлардан бошлайди. Аммо кўп режалар қўғозларда қолиб кетади. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбарлигига келгач, ишловларнинг халқнинг хоҳиш-иста-тига мос янги тўлқинини бошлади. Бир мақолада уларнинг ҳаммасига тўхталиб қийн. Аммо янги йўлбош-чининг мамлакат Фанлар Акаде-мияси фаолиятини қарат ҳолатдан қайтариш, илмий муассаса ва лабо-раториялар ишини жонлантириш, та-шаббускор ва илмга чанқоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсати бераётган натижалар ҳўсусида фикр юритмас-лик мумкин эмас. Бугун илмий-тад-қиқотчилар сафи замонавий билим-ларни чуқур эгаллаган ёшлар билан кенгайди, олий таълим муассасаларининг сони 130 тадан ошди, таълим соҳаси янги инновацион оғялар, илгор педагогик усуллар, миллий-маънавий тажриба билан бойиди, қўшма ва ҳўсурий таълимга йўл очилди.

Истиқлол йилларида тўғилиб воя-га етган ёшлар мамлакат парламен-тида, давлат бошқаруви тизимида, илмий-тадқиқот муассасаларида, тадбиркорлик ва ишбилармонликда, маданият, санъат ва спорт соҳала-рида ўзларини намойён этмоқдалар.

Қўпни кўрган бу дониш дунёни ҳайратга солиш осон эмас. Аммо бугун мамлакатимизда ҳўқ сураёт-ган тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳил-иноқлик, улуг аждодларга хос сабр-тоқат, ёшларимизнинг гай-рат-шижоати мамлакатимизда янги Ўйғониш даврининг илмий-иқтисо-дий пойдевори яратилаётганидан



бахраманд бўлиш, даромадларига яраша турмуш кечириш, мол-мулк-ларини зурриётларига мерос қолди-риш ҳўқуқига эга бўлдилар.

Собиқ тузум маъкураси бизни ислом динининг маънавий маъри-фатидан, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби аждодла-римиз ҳаёти ва ибратли ишларини ўрганишдан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридӣ, Қафқол аш-Шошӣ, Бурхониддин Марғионӣ, Нажмиддин Кубро, Шайх Ҳованд Таҳур каби алломалар меросидан ўзлаштириди. Ғарбдаги нуфузли олий ўқув юрлари, илмий марказларда бу табарруқ зотлар-нинг асарлари чуқур ўрганилаётган, маънавий тарбия ишига татбиқ эти-лаётган бир пайтда Ўзбекистонда шўролар тарғиботчилари уларнинг номини хотирадан ўчиришга интил-ди. Мактабларда Европа тарихи, рус-япон уруши тафсилотлари, Дмитрий Долгорукий даврида қандай ишлов-отлар амалга оширилгани ёки князь Олег пайтида ким кимга қанча ўлпон тўлаганини ўргандик, аммо дунё миқёсида илмий тафаккур ривожига мислсиз ҳисса қўшган, уни бойитган донишманд боболаримиз мероси-дан баҳраманд бўлмадик.

Халқимизнинг неча асрлик мил-лий қадриятлари оёқости қилинди. Коммунизм деган қўлчак боис, жа-миятда ялпи даҳрийлик юзага келди. Дунё олимлари собиқ иттифокнинг таназзулини айнаи шу ҳолат билан боғлайдилар. Машҳур сиёсатдон-лардан бири: “Ажаб, советлар мисли қўрилмаган шиддат билан ўзларига ўзлари чоҳ қазишади, кейин эса яна-да кучли шиддат билан ундан чиқиш йўларини қидиришади”, деган эди.

Давлатчилик тарихида тан олин-ган муҳим ҳақиқатлардан бири шуки, қаерда ишбилармонликка рағбат берилса, ўша жой, шубҳасиз, обод бўлади, эл-юртда тинчлик-тотувлик



Бошланиш 1-бетда

Буларнинг ҳаммаси дастлабки босқичга доир тадбирлар бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 12 март куни ушбу корхонага ташрифи давомида унинг навбатдаги лойиҳалар кўлами белгилаб берилди. Яъни, эндиликда табиий тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш кластер усулида амалга оширилади. Асосий мақсад — лойиҳа қувадигани йилгига 3 миллион квадрат метрга етказиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва экспортга йўналтиришга қаратилган.

Қайд этиш жоиз, 2019-2020 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда 52 миллион АҚШ долларини миқдоридан инвестиция қиритилган эди. 2021-2022 йилларда жорий этиладиган лойиҳалар қиймати 145 миллион доллардан ортади.

Мамлакатимизда ўз соҳасида ягона ҳисобланган ушбу кластернинг ҳудуди 37 гектар. У ўз таркибига гранит ва мрамар конларидан тортиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарини қамраб олган. Коронавирус карантинининг энг оғир даврида ҳам қурилиш объектларидаги иш бир зум тинганини йўқ. Пашшот, Паргат конларининг устки қисмини очиш баробарида янги ускуналар ёрдамида гранит тошларини қазиб олиш, пардозбоп маҳсулотлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

—“Мрамаробод” МЧК кластернинг асосий бўғини, яъни барча қайта ишловчиларни хомашё билан таъминловчи бош корхона ҳисобланади, — дейди жамият раҳбари Маҳмуд Шарофатов. —Унинг йиллик қуввати 70 минг куб метр табиий тошни қазиб олишга мўлжалланган. Бу ҳажм дастлабки босқичда бош корхонанинг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам эҳтиёжини тўла қондиради.

Бундан ташқари, кластер таркибига ғозгонлик маҳаллий тадбиркорлар учун 10 та ишлаб чиқариш биноси барпо этилди. Уларни қуриш ва замонавий қайта ишлаш дастгоҳлари билан жиҳозлаш учун ишбилармонларга имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Шу асосда бешта корхона ўз фаолиятини бошлаган бўлса, қолганлари ҳам тез орада маҳсулот тайёрлашга ўтади.

“Мрамаробод” ҳудудида банк, сервис хизматлари, ўқув маркази, эҳтиёт қисмлар ва дастгоҳлар сотиш дўкони ташкил қилинди. Унинг диллерлик тармоғи пойтахтимизда ва бошқа вилоятларда ҳам тобора кенгайиб борапти. Ушбу филиаллар орқали харидорлар ўз яшаш манзилидан туриб, исталган тур ва ҳажмдаги маҳсулотга буюртма беришлари мумкин. Яна бир жиҳати, харидорларни топишда Уларга иқтисодий



МУНОСАБАТ

ОИЛАЛАРГА ҚУВОНЧ, ҚУТ-БАРАКА КЕЛАДИ



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бугунги кунда мамлакатимизда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи давлат сийсати даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари кейинги пайтда деярли ҳар бир маърузасида, ўтказилган йиғилишда бу масалага тўхталиб, уларни талаб қўқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидламоқда.

нинг олдини олиш борасида қандай шаффоф тизим йўлга қўйилади?

Пандемия даврида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар руҳияти, яъни “Темир дафтар” тузилган эди. Кейинчалик эса давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш бошланди. Бу рўйхатлар “Темир дафтар”дан алоҳида бўлиб, унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим, касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилган.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча гушаларида “Ёшлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари”ни шакллантириш юза-

ни жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги қарори асосида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартiriш вазирлиги ҳузурида 2019 йилнинг 15 ноябрида Электрон кооперация портали (cooperation.uz) ни ишга туширишда қўл келди.

—Порталимиз саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этиш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган, — дейди Электрон кооперация портали маркази раҳбари Фаррух Хўжамқулов. —У орқали истеъмолчилар мамлакатимиздаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни харид қилишлари мумкин. Маҳаллий саноат корхоналарининг рўйхатдан ўттиши, ўз маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириши, харидор топиши учун ҳеч қандай тўлов талаб қилинмайди. Ҳўжалик шартномаларининг тезкорлик билан масофадан тузилиши “онлайн” услубида амалга оширилади.

Шу ўринда бир мисол. Навоий кон-металлургия комбинати маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича республиканинг энг йирик корхонала-



ридан бири ҳисобланади. 2020-2021 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастури комбинатда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажминини 3,3 баробар кўпайтириш орқали импорتنинг 76,2 миллион АҚШ долларига қисқартириш имконини беради.

Пандемия туфайли юзага келган қийинчиликларга қарамай, комбинат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга импорт ўрнини босувчи 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ва хизматларни тақлиф этиб, уларни Электрон кооперация порталига ҳам жойлаб келяпти. Утган йилнинг бошида бу кўрсаткич нари-бериси билан 60 гача эди. Унинг тобора ортиб бораётгани кон-металлургия тармоғида маҳаллийлаштириш кўламининг янада кенгайиб бораётганидан далолат беради. Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулотларнинг порталга қўйилиши, биринчидан, валютани тежайди, иккинчидан, ишлаб чиқарувчиларнинг янгидан-янги маҳсулотларини ўзлаштиришга имкон яратди, учинчидан, янги инновациялар ишланмалар жорий этилади, тўртинчидан, янги иш ўринлари ва даромад манбаи қўпаяди.

Комбинат кўмағида “Навоийазот” АЖда праэстол флокулянти, “Carbide Imprex” МЧЖда ферроқотишмалар, “Ihlas Elektrik” МЧЖда графитланган электродлар, “Navpromlitmash” МЧЖ-

да технолоқия ғалвирлар, “SDK Group And” ХКда филътрлаш элементларининг янги турларини маҳаллийлаштириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бундай мисолларни ҳар бир соҳадан келтириш мумкин. Чунки, Электрон кооперация порталида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқаларнинг таъминланиши туфайли шу йил январь ойи охирига келиб, 73 825 та корхонанинг 162,5 минг турдаги маҳсулоти савдога қўйилди. Уларнинг хариди бўйича 5,6 триллион сўмлик 41 308 та ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Порталда маҳсулотларнинг бошланғич нархини пасайтириш сўрови бўйича рақобатчилар томонидан тақлиф этилган қулай нархларда шартномалар шаклланишидан буюртмачилар яхши манфаат кўриб келяпти. Бунинг ҳисобига уларнинг 1,13 триллион сўм миқдоридagi маблағи иқтисод қилинди. Аслида лотларнинг ҳамми бошланғич нархи — 6,73 триллион сўмни ташкил этган эди.

Албатта, электрон савдо майдончаси орқали ўтказилган “онлайн” харид жараёнидан кейин маҳсулотларнинг сифати, ўз вақтида етказилиши ва тўловига бўлган қафолат муҳим ўрин тутди. Бу қай тариқа амалга оширилади?

—Биринчидан, ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти сертификатланмаган бўл-



са, электрон портал уни қабул қилмайди, — дейди Фаррух Хўжамқулов. — Тузилган шартнома муддати бузилса, келишув бўйича белгиланган устамга тўланади. Лекин шу пайтгача бундай ҳолат содир бўлгани йўқ. Чунки буюртмани ўз вақтида бажаришдан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи манфаатдор. Истеъмолчи маҳсулотини қабул қилиб олганлиги ҳақида электрон маълумот порталимизга келиб тушган захоти унинг “банкн”даги шартномавий сумма ишлаб чиқарувчининг ҳисобварағига ўтади. Тўлов қафолатида келадиган бўлса, буюртмачининг тузилган шартнома бўйича маҳсулот суммаси порталга тушмагунча, электрон тизим маҳсулотни етказиб беришга йўл бермайди...

Вақт шиддати, маҳсулотлар турининг қўпайиши, рақобатнинг қучайиши, энг аввало, рақамлашиб бораётган замон билан ҳамкамдан ишлашни тақозо этади. Шу боис, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, уларни экспорт фаолиятига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида порталда янги хизмат турлари жорий этиб бориляпти. Хусусан, яқинда мамлакатимизда фаолият юритаётган 40 мингдан зиёд ҳунармандлар ҳамда ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини онлайн тарзда сотиш бўйича савдо платформаси ишга туширилди. У миллий ва

касб-ҳўнарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказ ташкил этилиши, улар учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилишини билдирган.

Мана, орадан қисқа вақт ўтиб, Президентимиз Мурожаатномада илгари сурган тақлифларни ўзида жамлаган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Дастурнинг ҳар бир бандини ўқир эканман, жорий йилда камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришга йўналтирилган ишлар кўлами янада ошишига, аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички қуч-қуввати ва салохиятини тўлиқ рўвбга чиқариш, янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилишига амин бўлдим.

Бинобарин, давлат дастурида ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шўғулланиш учун, жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларидан 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, тадбиркорлик ва ўзини ўзи



халқаро тўлов тизимлари билан интеграция қилинганлиги сабаб ҳеч бир тўсиққа дуч келинмайди ва ҳар қандай масофадан туриб савдо-сотик қилишни қафолатлайди.

Президентимиз томонидан ўтган йил 21 августда имзоланган “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қув-

ни бошқаришнинг муҳим воситасига айланган. Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирга мувофиқ, давлат буюртмачилари учун портал орқали маҳсулотларни харид қилишни тест режимида ишга тушириш ишлари якунига етказилди. Бу ўзаро савдонинг янада эркинлаштириш, икки давлат тадбиркорлик субъектларининг таъши иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Зеро, мамлакатимиз билан қўшни давлат ўртасидаги ўзаро йиллик савдо ҳажминини 2023 йилгача 2 миллиард АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Электрон кооперация порталида саноатимиз базавий тармоқ корхоналарининг “Виртуал кўргазма” майдонини жорий этиш юзасидан топириқ берган эди. Бундай кўргазма хизмати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга маҳсулот ҳажмининг мавжуд талаблар асосида режалаштириш, янги импорт ўрнини босувчи товарлар тайёрлашни йўлга қўйишга доир оқилона қарорлар қабул қилиш имконини беради. Шу асосда “Ўзбекнеfteгаз” АЖ таркибидagi корхоналарнинг тайёр маҳсулоти, унга талаб этиладиган хомашё, бутловчи буюм ва материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи қисмлари (маҳсулот чизмаси ва техник кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда) тўғрисидаги “Виртуал кўргазма”си яратилди. Бу борадаги ишлар белгиланган жадвал асосида давом эттирилиб, мамлакатимиздаги барча саноат корхоналарининг ана шундай электрон харитаси тайёрланади.

Қиссадан ҳисса шуки, Электрон кооперация порталининг икки йилдан сал ортиқ вақтдаги фаолияти тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро кооперация бўлмас экан, қўшилиган қиймат занжирини ва янги индустриал тараққиётни тасаввур ҳам қилиб бўлмаслигини яна бир қарра кўрсатиб турибди. Бинобарин, маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасининг кенгайиб бориши, рақобатнинг қучайиши қўзланган мақсадларга қисқа йўл билан боришга, янгидан-янги ривожланиш босқичларини эгаллашга асос яратди.

банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, жумладан, мазкур дафтарларга киритилган фуқароларга керакли асбоб-ускуна, меҳнат қўропларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши назарда тутилмоқда.

Президентимиз кўни кеча “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага эътибор қаратиб, дастурдаги иккита катта йўналиш — иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларга оид вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Бунда энг катта эътибор янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилмоқда. Хусусан, ўз ишини бошламоқчи бўлганларга 7 миллион сўмгача субсидия, касбга ўқимокчи бўлган эҳтиёжманд аҳолига 1 миллион сўмдан компенсация тўлиниши, албатта, қисқа вақтда ўз самарасини беришига ишонаман.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ушбу маблағларни ажратиш тартибини тасдиқлаб, тезроқ амалиётга киритиш бўйича кўрсатилган бердикни, бу орқали биринчи йил йилликда 10 минг, йил якунигача ҳамми 20 минг аҳолини иш билан таъминлаш мумкин.

Деҳқончилик билан шўғулланишни истаган ёшларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратиш бошланган эди. Мамлакатимиз

раҳбари бу жараёнда адолат ва ҳалоллик бош мезон бўлиши, жамоатчилик фикри инобатга олиниши зарурлигини таъкидлади. Оилавий тадбиркорлик учун ажратилган 6 триллион сўм кредит маблағларини самарали йўналтириш, ҳар бир маҳалланинг “ўсish нукталари”дан келиб чиқиб тадбиркорлик салоҳиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан бўёвига барча раҳбарлар, депутатлар ҳам бу масалага жиддий ёндашиб, ҳар бир маҳалладаги ҳопатни ўрганишимиз зарур. Ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқотлар уларнинг эҳтиёжларини, қизиқишларини аниқлашга яқиндан ёрдам беради. Агар раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, шубҳасизки, юртимиздаги барча фуқароларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга замин яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бугун асло кечиктириб бўлмайди-ган вазифадир. Зеро, пандемия даврида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Темир дафтар” қутилган натижа берганини ҳаммамиз кўрдик, гувоҳи бўлдик. Давлат дастурида бу борада анққ вазифалар белгилаб берилгани минг-минглаб ёшлар, аёлларнинг бандлигини таъминлаш, асосийси, қанчадан-қанча оилаларга қувонч олиб кириши аниқ.



Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Бадий адабиётнинг асосини қуйидаги поэтик унсурлар ташкил этади: маъно, шакл, рух ва образ. Буюк истеъдод эгаларининг асарларида, одатда, маъно умумбашарий ғояларни ифода этади, шакл ва рух миллатнинг табиатини акс эттиради. Образ индивидуал поэтик тафаккур маъсули сифатида юзага келса-да, ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Миллийликдан холи туйғунинг таъсир кучи бўлмаганидек, миллий руҳдан мосуво тафаккур ҳам канотсиз қушга менгзалади. Шунга кўра, миллийлик — адабиётнинг асосий мезони. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бадий-эстетик тафаккури кўригида муайян миллат адабиётини ажратиб кўрсатувчи бош хусусият, ўзгалардан фарқини намён этадиган асосий белги бу — миллий руҳдир. Шунинг учун миллий руҳнинг ифода йўсинларини, тасвир мезонларини ўрганиш адабиётшуносликнинг ўзак илмий муаммоларидан.

Адабиётда миллий руҳ ифодаси, бизнингча, қуйидаги тамойиллар асосида намён бўлади: 1) миллатнинг асл табиатини, сийратини акс эттириш; 2) поэтик фикр ифодасининг миллий тафаккурга таяниши; 3) поэтик образнинг миллий ифода орқали тасвирланиши. Буюк шоир ва мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур назмий меросини ана шу тамойиллар асосида ўрганиш тадқиқотлар учун бой манба бўлади.

Миллатнинг асл табиатини, сийратини акс эттириш. Мумтоз шеърятнинг ғазал, маснавий, рубоий, туюқ ва фард сингари жанрларида юксак бадий қимматга эга асарлар ёзган Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикаси миллий руҳ бетақдор поэтик ифода этилгани жиҳатидан қимматлидир. Улуғ шоирнинг “Яхшилик” радиопли ғазалида бу хусусият, айниқса, аққолроқ намён бўлгани кузатилади:

*Ким кўрубдур, эй кўнгул,
аҳли жаҳондин яхшилик,
Кимки, ондин яхши йўқ,
кўз тутма ондин яхшилик.*

Буюк тафаккур эгаларининг дунёга қараши бошқа тоифа кишилар нуктаи назаридан тубдан фарқ қилади. Негаки, улар камолотнинг ўзлари эришмоққа муяссар бўлган юксаклиги даражасидан фикр юритади. Бобурнинг аҳли жаҳондан ким ҳам яхшилик кўрибди, модомки шундай

экан, ундан яхшилик етмоғига кўз тутма, дейиши сабабини шунинг билан изоҳлаш мумкин. “Кўз тутма” — чинакам ўзбекча ибора. Байтадаги мазмун йўналишини теран фалсафий мушоҳада сари бурган ушбу ибора улуғ шоир тафаккурининг миллий заминга қўрилгани исботидир. Кейинги байтда *яхши-ямон, ямонлик-яхшилик* тушунчалари ҳосил қилган тазод воситасида фикр таъсирчан ва санъаткорона ифодаланган:

*Эй, кўнгул, чун яхшидин кўрдунг
ямонлик асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не маъни
ҳар ямондин яхшилик.*

Мутафаккир келган хулосага кўра, дунё шундай қўрилган, яхшиларданки ёмонлик кўргангидан кейин ёмонлардан яхшилик кўтиш фойдасиздир. Ҳеч кимдан яхшилик кўтиб бўлмаглигини теран англаган, кўнгилдан ҳис этган ҳолда ҳам барчага бирдай яхшилик қилиш — одамлиқнинг юксак даражаси. Ўзбек — ана шундай ғазилатга эга миллат. Шу жиҳатдан, ғазал шохбайтда ифодаланган мазмун миллатнинг асл табиатини ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

*Бори элга яхшилик қилғилки,
мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилик.*

Улуғ шоирнинг бундай фалсафий тўхтамга келиши сабаби теран асосга эга. Негаки, ўзбек халқи барчага, ҳатто ғанимига ҳам яхшилик қила олишини кўп асрлик тарихи давомида қайта-қайта исбот этгани маълум. Урта асрлар адиби Ал-Жоҳиз “Фазойили атроқ” (Туркийларнинг фазилатлари) асарида аждодларимизнинг *номусли, юраги тоза, ёвуз ўй ва ботил фикрдан холи инсонлар бўлганини*; на жандга, на тинч пайти *ҳўйла билмаганини, ғурсатдан фойдаланмаганини*; *ўзи ҳам, сузи ҳам тўғри эканини*; *бировнинг молига хиёнат қилиш, иккиюзламачилик, кибру ҳаво, катталарга хурматсизлик кўрсатиш уларнинг тасаввурига ҳам сиймаганини* таъкидлайди. Ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида ёзишча: “...*сортдин тезфаҳирок ва баланд иброкрок ва хилқати софрок ва покрок*” бўлган туркийлар учун барча замонларда ҳам яхши ном қолдириш ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этган. Бобурнинг “...бори элга яхшилик қилиш” ҳақидаги ғояси, ана шу жиҳатдан, миллатнинг сийратини ўзида мужассам этганини алоҳида таъкидлаш керак.

Миллатнинг ёмонликка ёмонлик билан эмас, яхшилик билан жавоб қайтара олиш фазилати шоир лирикасида ўзига хос бадий талқин этилади. Шоирнинг бошқа бир ғазалидан олинган қуйидаги байт мазмуну ҳам буни тасдиқлайди:

*Бобур, ул умр сени сўккан учун
Умр боринча дуо қилғайсен.*

Ҳатто сўккан одамнинг ҳақиқа ҳам дуо қилиш, табиийки, ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Олижанобликнинг, инсоний камолотнинг чуққиси бўлган бундай хулосага келиш осонми? Ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, бу наинки шох ва шоир Бобурнинг, балки мансуб бўлганимиз миллатнинг асл табиатига хос юксак фазилат. Қийинлиги шунда кўринадики, ёмонликка нафрат — инсон фитратига хос туйғу. Ушбу нафрат ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни тақозо этади. Нафратни енгиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, шу жиҳатдан ҳам осон эмас. Бунинг учун ушбу фазилат инсонга қондан ўтган бўлиши керак.

Шоир шеърларида миллатнинг менталитети билан боглиқ қўйма фикрлар оҳорли ифода этилади. “Нимани эксанг, шуни ўрасан”, деган халқ мақоли ҳаёт синовларидан ўтиб, тасдиғини топан фалсафий тўхтам. Миллатимиз этиқодининг асоси бўлган Қуръони каримдаги “Залзала” сураси 7-8-оятларида ҳам ушбу мазмун ифода этилган: “*Бас, кимки (дунёда) зарра миқдориди яхшилик қилган бўлса (қиймат кун) уни кўрар. Кимки зарра миқдориди ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар*”. Муборак ҳадислардан бирида ҳам: “*Дунё — охирамингиз экзиноридир*” дейилади. Демак, халқимиз тўрт сўзда ихчам ва пунда ифодалаган “Нимани эксанг, шуни ўрасан” мақолида миллатнинг асл табиати ва этиқодий тушунчалар теран асосларда уйғунашиб кетган. Машҳур рубоийсида Бобур ана шу мазмунни ўқувчининг қалбини титроққа соладиган даражада таъсирли ва гўзал бадий шаклда оҳорли талқин этган:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

Бобур лирикасида фақат ўзбеккагина хос бўлган тушунчалар оҳорли бадий талқин этилгани кузатилади. Масалан, “севинчи” сўзи ҳозирги кунда халқимиз орасида “суюнчи” шаклида кенг ва фаол ишлатилади. Ҳаётдаги энг қувончли дамлардагина тилга олинувчи бу сўзнинг шоир ғазалда ёр висоли билан боглиқ бадий лавҳада маҳорат билан қўйлади:

*Хуш улки, бир киши
қўзим йўлида эрканда,
“Севинчи!” — деб югуриб етасам:
“Фалон” келди!”*

Бундай сатрлар шоирнинг халқ турмуш тарзини теран билиши, шеърда миллий қадрият даражасига кўтарилган тушунчаларни санъаткорона талқин эта олишини намён этади. “Уйинг бугдойга тўлгур!” — ўзбекнинг нуроний оталари, доғиманд боболари ёшларга шу сўз билан дашном бериши кўпчиликка аён. Ушбу одат миллатимиз оксоқолларининг танбеҳи ҳам яхши ниятга йўғрилгани исботидир. Аслида, уйнинг бугдойга тўлиши — фаровонлик белгиси. Қандайдир ёқимсиз қилиқ қилган болани қарғамаслик учун, дашномни ҳам шу каби эзгу ният орқали ифодалаш наслнинг давомчиларига бўлган тенгсиз меҳр натижасидир. Моҳиятан, бу қарғиш эмас, яхши ният. Буни қалбдан ҳис этган Бобур рубоийларидан бирида халқимизнинг табиатига мос ана шу мазмунни гўзал бадий талқин этади:

*Ишлар бари кўнгулдагидек бўлгусидур!
Инъому вазифа — бори буйрулгусидур!
Ул ғаллаю маҳмалки, деб эрдинг, бердим,
Маҳмалга бўю ғалладан уй тўлгусидур!*

Ёки мана бу байтда шоир ҳаёт фалсафаси теран ифодаланган “Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек” деган халқ мақоли мазмунидан фойдаланиб, бетақдор бадий умумлашма чиқаради:

*Даъвои ишқ этиб, ғайр,
Бобурни айб қилма —
Ким, мен эдим сенингдек,
сен бўлгасен менингдек.*

Шоир байтга ғайр — рақиб образини олиб кирган. Ғанимига мурожаат орқали байт мазмунининг таъсирчанлигини оширишга, ирсоли масал воситасида бадийятни юксалтиришга эришган.

Ушбу фикрлар Бобурнинг миллий урф-удумларни, халқ турмуш тарзини, энг муҳими, ҳаёт



фалсафасини теран англаган ва лирик асарларида бетақдор ифодалаган шоир эканини билдиради.

Поэтик фикр ифодасининг миллий тафаккурга таяниши. Ушбу тамойил, бошқача айтганда, фикрни чинакамига ўзбекча ифодалай олиш маъносини англатади. Бобур лирикаси, бу жиҳатдан ҳам, тадқиқотлар учун бой манба бўлади. Шоир туркий тилининг ифода имконияти нечоғлиқ кенг эканини теран ҳис этган, асарларида асл туркий сўзлардан кенг ва маҳорат билан фойдалана билган.

*Не билғайсен менинг дарду ғамим
ҳар соатлар ҳар дам —
Ки, ҳусн усруқлиғидин ою йил,
эй ой, ойилмайсен.*

Байт мазмунига очқич вазифасини ўтовчи “усруқлиғидин” (*мастлиғидан, изоҳлар бизни ки — Н.Ж.*) ҳамда “ойилмайсен” (*хушнўза келмайсан*) сўзлари Бобур шеъриятида анча фаол қўлланган соф туркий тушунчалардир. Бу ҳол, ўз навбатида, шоир фикрларининг тоза ўзбекча ифодаланганини таъминлаган.

“Бобурнома” да Андижонни таърифлаб ёзган: “*Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисиди туркий билмас киши йўқдур*”, деган фикрларида буюк адибнинг ўзи мансуб миллатга муҳаббати ҳам акс этгани аққол сезилади. Шунинг учун ҳам улуғ шоир лирик шеърларида туркий тилининг ифода имкониятидан маҳорат билан фойдаланган. Қуйидаги ғазал матлаи ҳам ижодкорнинг тафаккур йўсини миллий экани жиҳатидан қимматлидир:

*Қуёшим ҳар сориға азм қилса,
заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам ондин,
кун кўра олмон.*

“Қуёшим” сўзи ифодалаган истиора ҳамда ушбу сўз билан зарра тушунчаси орасидаги тазод байтнинг юксак бадийятини таъминла-

ган. “Кун кўра олмон” — ушбу чинакам ўзбекча ибора байтда ифодаланган мазмуннинг поэтик хулосасини акс эттиришдан ташқари, миллий руҳни ифодаланиши жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мана бу мактаъ байтда Бобур туркий тилга бўлган чуқур муҳаббатини самимий изҳор этган:

*Турклар хатти насибинг бўлмаса,
Бобур, не тонг,
Бобурий хатти эмасдур,
хатти сиғноқий дурур.*

Ушбу байтда буюк мутафаккир туркий ёзувнинг насиб бўлмаганидан, яъни амалиётда кенг истифода этилмаганидан ўқинчини ифодалаган. “Хатти Бобурий”ни ихтиро қилгани сабаби ҳам шунда бўлгани маълум. Байтда айтилган хатти сиғноқий эса араб ёзувининг аждодларимиз фаол қўллаган шаклларида биридир.

Бобур лирикасида ҳазрат Алишер Навоий “турк шуароси хоссаси” сифатида таърифлаган туюқ жанрининг ҳам юксак поэтик намуналари бор. Мана, шоирнинг миллий тафаккур ва миллат руҳи ёрқин намён бўлган туюқларидан бири:

*Не бало, бийиктурур давлат тоғи,
Кўхи ғамни не билур давлаттоғи?
Ҳиммате тут, доғи давлат истағил,
Ҳимматинг бўлса, бўлур давлат тоғи.*

Ушбу туюқда тажнис бўлиб келган “давлат тоғи” сўзи биринчи мисрада “давлатнинг улғуворлиги”, иккинчи сатрда “давлатга эришган киши”, тўртинчи мисрада эса “давлат ҳам” маъноларида келган. Шоир теран фалсафий мазмунни тажнис томм шеърый санъати орқали гўзал бадий шаклда ифода этган. Шунинг баробарида, ижодкор ушбу туюқда туркий миллатга хос баланд ҳимматни улуғлаган.

Мана бу туюқда ҳам ўзбек тилининг ифода имконияти нечоғлиқ катта экани маҳорат билан

ифодаланган:

*Васлдин сўз дерага йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлағил, ёро, манга.
Уқунг этти кўп ёмон ёро манга,
Марҳами лутфунг била ёро манга.*

Ушбу туюқда ҳар тўрт мисрада тажнис қўлланган. “Ёро” сўзи биринчи сатрда “ҳол, қувват”, иккинчи мисрада “эй ёр”, учинчи қаторда “яра, жароҳат”, тўртинчи сатрда эса “ярагин” маъноларини ифодалаб келган. Ушбу туюқ ҳам Бобурнинг сўз қўллаш маҳорати баланд эканидан, поэтик фикрни ўқувчининг қалбига етиб борадиган даражада чинакам ўзбекча ифодалай олишдан далолат беради.

Замонавий шеъриятимиз даргаларидан бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов миллий руҳи эканлигининг зарурати ҳақида мана бундай ёзган эди: “Майли, буюқларга интилиш бўлсин, жаҳоннинг, башариятнинг энг илғор фикрлари ағлашма бўлсин, Ғарб, Европа, Америка дейсизми, майли Лотин Америкаси, майли Ойми, Марсми... даражасида фикрлашин, лекин ўзбек фикрларин, ўзбекча фикрларин! Агар шу “кичкинагина” шарт бажарилса, қолганига, албатта эришамиз”. Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик шеърларида теран ҳаёт фалсафасини миллий тафаккур асосида, соф ўзбекча ифодаланиши бугунги замон шоири адиблари учун ҳам намуна бўла олишини таъкидлаш керак.

Поэтик образнинг миллий ифода орқали тасвирланиши. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу жиҳатдан ҳам юксак бадий натижаларга эришган. Қуйидаги байтда “ит” образи, биринчидан, мукаммал поэтик образ даражасига кўтарилган бўлса, иккинчидан, муаллиф концепциясини ифодалаган чинакам ўзбекча “йитгаймен” сўзи орқали мазмуннинг таъсир кучи бир неча баравар ошишига эришилган:

*Итингдурмен, сочинг занжирини
бўйунмга маҳкам қил —*



*Ки, водийи фироқинг ичра,
қўрқарменки, йитгаймен.*

“Сочинг занжири”, “водийи фироқ” бирикмалари ифода этган истиора, “итингдурмен” ва “йитгаймен” сўзлари асосидаги тажнис ошиқ руҳиятининг фоже тасвири орқали ўқувчи кўз унгида поэтик образни аққол намён эта олгани шоирнинг тенгсиз маҳоратига далил бўла олади. Бўйинига ёр қимматлидир. Агар ана шу орзуи муяссар бўлмаса, ошиқнинг бошини олиб оёқ етганча кетмоғи — фикрни миллий руҳ уйғунлигида бу даражада мукаммал ифодалаш учун фақат Бобур бўлиш керак!

Буюк шоир умрининг асар қисмида ёру диёр фироқда яшади. Теурий шахзодалар ўртасида иттифок йўқлиги, ўзаро тожу тахт талашувлари оқибатида буюк Соҳибқирон Амир Темур асос солган муаззам салтанат таназзулга юз тутганидан изтироб чекди. Ҳиндистонда улкан давлатга асос солиб, теурийлар ҳукмронлигининг умрини қарийб уч ярим асрга узайтиришга муваффақ бўлди. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музакири аҳ-бўб” тазкирасида айтилганидек: “(Бобур) чигатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннахр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп сайъ-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқига тadbир қалқони дош бера олмаса, бирор натижа чиқара олмади... Мулк қўлдан кетгач, таъб тўтиси хинд шакарисотинига майл билдириб, денгиз мавжли эътиборини Ҳиндистон мамлакатларини эгаллашга сарф қилиб, қоронғулик ўлкасини қуёш ёғдули қиличи шўъласи нурлари билан чароғон этиб, ҳумоюн толеъ тудайли муҳолиф лашкарига шикаст етказиб, феруз бахт билан шохлиқнинг феруз тахтига ҳазрат Деҳлида қомрон ўлтурди”.

Шоҳ Бобур ҳаётида кечган ана шу мураккаб ва зиддиятли воякели шоир Бобурнинг мана бу байтида таъсирчан тарзда образли ифодаланган:

*Муяссар бўлмаса бошимни
қўймоғилр аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур,
аёқ етганча кетгаймен!*

Ёр оёғига бош қўймоқ умиди — ошиқнинг ишқ таврида нечоғлиқ содиқ экани исботи эканидан ташқари, туйғу ихзорининг соф ўзбекча экани жиҳатидан ҳам қимматлидир. Агар ана шу орзуи муяссар бўлмаса, ошиқнинг бошини олиб оёқ етганча кетмоғи — фикрни миллий руҳ уйғунлигида бу даражада мукаммал ифодалаш учун фақат Бобур бўлиш керак!

Буюк шоир умрининг асар қисмида ёру диёр фироқда яшади. Теурий шахзодалар ўртасида иттифок йўқлиги, ўзаро тожу тахт талашувлари оқибатида буюк Соҳибқирон Амир Темур асос солган муаззам салтанат таназзулга юз тутганидан изтироб чекди. Ҳиндистонда улкан давлатга асос солиб, теурийлар ҳукмронлигининг умрини қарийб уч ярим асрга узайтиришга муваффақ бўлди. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музакири аҳ-бўб” тазкирасида айтилганидек: “(Бобур) чигатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннахр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп сайъ-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқига тadbир қалқони дош бера олмаса, бирор натижа чиқара олмади... Мулк қўлдан кетгач, таъб тўтиси хинд шакарисотинига майл билдириб, денгиз мавжли эътиборини Ҳиндистон мамлакатларини эгаллашга сарф қилиб, қоронғулик ўлкасини қуёш ёғдули қиличи шўъласи нурлари билан чароғон этиб, ҳумоюн толеъ тудайли муҳолиф лашкарига шикаст етказиб, феруз бахт билан шохлиқнинг феруз тахтига ҳазрат Деҳлида қомрон ўлтурди”.

Шоҳ Бобур ҳаётида кечган ана шу мураккаб ва зиддиятли воякели шоир Бобурнинг мана бу байтида таъсирчан тарзда образли ифодаланган:

*Неким тақдир бўлса — ул бўлур,
таҳқиқ билгайсен,
Эрур жангу-жадал,
ранжу-риёзат барча беҳуда.*

Бобур — буюк қалб ва улкан ижодий салоҳият эгаси эди. Аҳилилик ва иттифоқ ғояси бетақдор бадий талқин этилган мана бу байтлари миллат фарзандларини улғу мақсад йўлида бирлаштиришга қаратилган давъат ўлароқ барча замонлар учун ҳам ибратлидир:

*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутингиз,
Жамъатингиз борини давлат тутингиз.
Чун гардиши чарх будурур, Тенгри учун,
Бир-бирни неча қуни ғанимат тутингиз.*

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик шеърларида, улар қайси жанрда ёзилган бўлмасин, миллий руҳ ифодаси етакчи ўрин тутди. Улуғ мутафаккир шеъриятида миллатнинг асл табиати, сийрати мукаммал даражада акс эттирилган. Поэтик мазмун миллий тафаккур воситасида ўзига хос ва оҳорли талқин қилинган. Бадий адабиётнинг асоси бўлган поэтик образлар миллий ифода орқали мукаммал тасвирланган. Бобур лирикасини миллий руҳ ифодаси нуктаи назаридан янада чуқур ва қўламли ўрганиш адабиётшуносликнинг истиқболдаги долзарб вазифаларидандир.



“ХАР КИМ БУ “ВАҚОЕ”НИ ЎҚИСА...”



Феруза ШОЕВА, Жондор тумани 5-умумтаълим мактабининг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

комил инсоннинг, боболари тожу тахтини сақлаб қололмаган ҳоқоннинг аламлари ифодаланган. Масалан:

*Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу гурбат шарҳин,
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.*

Бобурнинг туғилган юртидан узоқда яшагани, ватанини қўмсаши рубойларида ўз аксини топади.

*Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.*

Бобур шахсияти ўзбек миллатининг ғурури, ифтихори, асарлари эса улкан хазинасидир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатида тўғрилиқ, ҳақғўйлик ва ўз ички оламини, туйғуларини ҳеч яширмасдан очик-ошкора айтишдек бир гўзал фазилат мужассам. Бунга “Бобурнома”нинг жуда кўп ўринларида дуч келиш мумкин. Шоир таъбири билан айтганда, “Ҳар ким бу “Вақое”ни ўқиса, унинг кўпгина сирларидан воқиф бўлади”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда марказлашган йирик давлатни барпо этди. Бу салтанат 332 йил, яъни Ҳиндистонни Буюк Британия босиб олганига қадар ҳукм сурди. Бобур Ҳиндистондаги жанжалларнинг олдини олишга, мамлакатда осоийшталик қарор топтиришга уринди. Адолатли қонунлар чиқарди, ғайридинлик солигини бекор қилди. Мамлакатда ободончилик ишларини йўлга қўй-



ларидаги ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи воқеа ва ҳодисалар биз учун ҳамиша қимматлидир.

Кўплаб буюк бобокалонларимиз асарларидаги сингари Бобур ижодида ҳам ёшларимиз учун ибратомуз жиҳатлар кўп. Унинг она юртни севиш, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат хусусидаги фикрлари кишига юксак маънавий сабоқ беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ватан туйғуси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг рубойларида акс юрт соғинчида адо бўлган фарзанднинг, ёр фироғида азоб чеккан ошқонинг, ўз хатоларини англаб етган



ди. Боғлар барпо этди, каналлар қаздирди.

Жангу жадаллар, салтанат ташвишлари, айниқса, Ватан соғинчи нозик қалб эгаси бўлган шох ва шоирга салбий таъсир қилади. Ахир, бегона юртни забт этиш осон кечмаган. Шундай бўлса-да, Бобур Мирзо ўзининг эзгу ишлари билан халқ орасида да яхши ном қолдирди. Мард ва жасур ватандошларимиз ҳақида ўқувчиларга ҳикоя қилиб берганимда уларнинг руҳиятида ўзгача ёлқин, юрагида улкан мақсадлар иштиёқи пайдо бўлганини ҳис қиламан. Шунингдек, биз ўқувчилар билан ажратилган дарс соатларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримул Қодировнинг “Юлдуз-ли тунлар” ва “Авлодлар довои” романлари билан ҳам танишиб чиқдик. Мунозаралар жараёнига ота-оналарни ҳам тақлиф қилдик. Аждодлар ибрати акс этган бадий асарлар бугунги авлод руҳиятига жуда катта маънавий таъсир ўтказишга биргаликда гувоҳ бўлдик. Шу боис, юртимиз тарихи ва унда етишиб чиққан буюк алломалар ҳаёти акс этган бадий асарлар рўйхатини тузиб чиқдик. Зеро, бугун мактаб парчасида ўтирган қорақўш фарзандларимиз эртаниннинг муносиб давомчилари бўлиб вояга етишлари мумкин.

МАЪНАВИЯТ



ЮЛДУЗЛАРГА ТАЛПИНИБ, БОЙ БЕРМАЙЛИК ОФТОБНИ

ёхуд беҳуда ўтаётган ва исроф бўлаётган фурсатлар

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Одамзот учун энг қимматли нарса нима? Албатта, бу — вақт, фурсат! Инсон бу дунёда ўз олдига мақсад қўйиб яшамаса, умри зое ўтди, деяверинг. Мақсадга эришмоқ учун ҳар бир дақиқа ғанимат. Ҳар бир нарсанинг, қолаверса, лаҳзаларнинг қадрига етадиган қимматли йўли эса барчага ҳам насиб қилавермайди. Тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон яшаши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ. Хўш, келажагимиз — ёшларнинг вақтлари қандай ўтати, олтинга тенг фурсатлар нималарга сарфланаяпти?

Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форумида ҳам қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабга таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислохотларни амалга ошироқдамиз. Ишонманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар”.

Маълумки, Президентимиз ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига бот-бот тўхталиб ўтади, мутаассадилар олдига талаблар қўяди ва ижросини назорат қилади. Яқинда ушбу масалада ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида сўз бориб, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд экани, бу аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этиши таъкидланди. Бугунги кунда 18-30 ёшлар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз эканига эътибор қаратилди.

Шу маънода бугун ҳар бир ота-она, шу юртнинг фаол позициясига эга ҳар бир фуқаро олдига битта долзарб вазифа бор: фарзандларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишини таъминлаб бериш ва назорат қилиш. Айрим ота-оналар бола тарбияси хусусида анча бепарволик қиладилар. Мутафаккир олим Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”. Фарзандларимизнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси масъулияти, биринчи навбатда, уйда ота-она, бочада тарбиячи, ўрта ва олий ўқув юртларида муаллим ва устозлар, кўча-қўйда эса маҳалла оқсоқоллари зиммасида эканини унутмаслик керак.

Буюк муҳаддис Имом Бухорий: “Нажот фақат илмдадур”, деб бежиз айтмаган. Чунки билимсизлик жаҳолатдан, жаҳолат эса такаббурлик, мутелик ва бузғунчиликдан келиб чиқади. Ёшларимиз таълим-тарбиясини миллий ва диний қадриятлар асосида шакллантириб, Ватанга муҳаббат, ота-она ва элга ҳурмат руҳида камол топирсақкина қалбимиз хотиржам бўлади.

Исроф — гуноҳ амал. Исроф деганда фақат маблағ, бойлик ёки мулкни совуриш тушунилмайди.

Қимматли вақтни беҳуда кетказиш, фойдали ишларга сарфламаслик ҳам исрофдир. Куч-қувват ва салоҳиятни эл-юртга ёки ўзига фойда келтирмайдиган нарсаларга йўллаш ҳам исрофдир. Соғлиқнинг қадрига етмай, тинкани қуритадиган ёки саломатликка хавф соладиган ишларга муккадан кетиш ҳам исрофдир. Умр ҳам худди шундай. Бошқа барча неъ-

Муваффақиятнинг ўзи келмайди

Фарзандларингиз, укаларингиз, умуман, ёшларнинг ижтимоий тармоқларда ёки интернет оламида нималар билан машғул эканини ҳеч мониторинг қилиб кўришга уринганмисиз? Интернет ўтган асрнинг 90-йиллари-

Маънавият — қуёш

Халқимизда “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, деган серҳикмат мақол бор. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги таҳликали дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган турли тўс-тўполонлар, тартибсизликлар негизига эътибор берадиган бўлсак, давлатнинг ўсиб-

“Муваффақиятнинг ўзи сизга келмайди. Сиз ўзингиз у томон ҳаракатланишингиз керак”, деган эди америкалик машҳур педагог Марва Коллинз. Бу ҳаракатланиш эса фақат телефон кавлаштиришдан иборат эмас.



матларни қайта тиклаш, қўлдан чиқаргач, яна унга эришиш мумкиндир, фақат умрни эмас.

Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема

Илм эгаллаш улғу фазилат. Илм соҳиб бўлган, уни ҳаётга татбиқ этиш — илмига амал қилиш ва ўзгаларга илм ўргатиш ҳар бир зиё аҳлининг бурчи. Акс ҳолда ўзгаларга ўргатилмаган ёки амал қилинмаган илм исрофдир.

Улғу аждодларимиз кунларини, вақту соатларини фойдали иш қилишга, гўзал ахлоқий ва илмий даражаларга етишиш йўлида сарф қилишда доим огоҳ ва сергак эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг бугунлари кечагисидан, эртанги кунлари бугунгисидан аъло ва афзал бўларди. Улар: “Вақт қиличдир, агар сен уни кесмасанг, у сени кесади”, деган ҳикматли сўзга амал қилишган.

Жамоат транспортида ҳеч қувватганимиз: 35-40 дақиқалик йўл давомида айрим ёшгина йигит-қизларнинг қўлидаги телефонлари қўлоқларига ёпишиб қолган бўлади, ким биландир (катта эҳтимол билан тенгдошлари) қаттиқ овозда бекорчи нарсаларни сўхбатлашиб кетадилар. Шу ярим соатдан орттиқ вақт мобайнида бирорта жўяли гап чиқмайди оғизларидан (истай-сизми-йўқми, сўхбатлари ҳаммага бемалол эшитилиб туради), ҳаммаси бекорчи, одамнинг энсасини қотирадиган мавзулар. Афсуски, аксинча, транспортдаги вақтини китоб ўқиш, газета-журнал мутлола қилишга сарфлайдиган ўсмирларни борман сари қамроқ учратиларми.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларида бундай гап бор: “Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади, нафаснинг зое бўлишига йўл қўйманг ва ундан эҳтиёт бўлинг”. Жамиятимиздаги барча инсонлар, улар ким ва қандай мавқега эга бўлмасинлар, айниқса, келажагимиз бўлган ёшларимиз, азиз фарзандларимиз олтиндан қиммат вақтдан унумли фойдаланиши ва уни ғанимат билиши лозим. Ёши улғу кексаларимиз, муҳтарам ота-оналар фарзандларимиз таълим-тарбиясига бепарво бўлмаслигимиз, уларга ўз вақтларини тўғри, солиҳ амалларга сарфлашини ўргатишимиз керак. Айниқса, шу кунларда ҳур диёримизда илм масканлари эшиклари касб-хунар эгаллаш учун очиб берилганда вақтни ғанимат билиб, уларнинг бутун диққат-эътиборини чўқур билим олишга йўналтиришимиз даркор.

дан сўнг туғилган авлод ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгургандан хабарингиз борми?

Ушбу авлод вақтлари интернет билан бирга ўсди. Уларга бошқа ҳаёт бегона. Назаримда, ҳозир омма Telegram мессенжери орқали бошқарилаётганга ўхшайди. Эртага у ўқириладиган бўлса, аниқ айтиш мумкин — ваҳима бошланади. Чунки Telegram деярли ҳамма нарсани англатади: унда барчаси мужассам — мулоқот, хизматлар, ОАВ, савдо-сотиқ ва ҳоказо. Бутун ҳаётимиз ўша ерда. Ҳар биримиз бир кунда 5-6 соатни интернетда ўтказаятган бўлсак, ажабмас.

Яқиндан TikTok дегани чикди. 16-18 ёшдаги аксарият йигит-қизлар унга ёпишиб олган. У ерда битта файл миллионлаб “лайк” йиғиши, миллионлаб марта қўрилиши мумкин. Оқибатда кўр-қинчи нарсалар, экстремизм, миллатчилик урчиб кетгандек.

— Айтиш мумкинки, ижтимоий тармоқлар автомобилга ўхшайди, — дейди психолог Нигора Миращурова. — Унда сиз сайру саёҳат ёки харидлар учун бозорга борсангиз бўлади. Аммо ҳалокатга учраб, ўзингиз билан бирга бошқаларга зиён етказишингиз ҳам мумкин. Бу шундай нарсани, ҳам яхши, ҳам салбий жиҳатлари бор. Гап фақат ушбу воситадан қандай фойдаланишда. Мен пандемия даврида ёшлар ижтимоий тармоқлар ёрдамида касаллиқни енгиш, яқинларига ёрдам бериш учун қандай бирлашганини кўрдим. Ёшлар ижтимоий тармоқларда бир-бири билан мулоқот қилмоқда, фикрларини очик билдирмоқда, танқид қилмоқда. Шу тариқа уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳам ўсиб бораётгани табиий. Ҳозирги ёшлар ижтимоий тармоқларнинг кучини яхши тушунади, ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган масалалар муҳокамаси ёрдамида қанчалик кўп ўзгаришларга эришилаётганини кўради.

“Муваффақиятнинг ўзи сизга келмайди. Сиз ўзингиз у томон ҳаракатланишингиз керак”, деган эди америкалик машҳур педагог Марва Коллинз. Бу ҳаракатланиш эса фақат телефон кавлаштиришдан иборат эмас.

Бугун мамлакатимизда маънавиятга жуда катта эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, китобхонлик рабатлантирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, барча муваффақиятларнинг, эзгуликларнинг бешиги китобдир. Қани энди, ота-оналар мунтазам равишда ўз фарзандларини китоб дуконларига олиб борсалар, уларнинг кутубхонага қатнашини рабатлантирсалар. Миллионлаб маблағ сарфлаб, замонавий телефонлар эмас, болаларга китоб, электрон китоб, аудио-китоб, дастурлар совға қилсалар.

униб келаётган ёшларга, уларнинг ҳаётдаги қизиқишлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига жавоб бермаслиги оқибатини кўриш мумкин. Айниқса, ёшлар тарбияси, уларни иш билан банд қилиш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачинарли, албатта. Бундай мамлакатларда давлат ва ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Кўпгина муаммоларнинг замирида замон талаб қилган аниқ бир касб-хунарга эга бўлмаслик ва натижада ишсизлик, бекорчилик ётади.

Айниқса, бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида қўлласа, кимлардир ижтимоий тармоқлар орқали онги мўрт, ҳаётда мустақил фикрлашга, позицияга эга бўлмаган миллионлаб ёшларни тўрға тутириш ва ўз қабих мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланимоқда. Мақсад — ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёхуд халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қўллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб бериш бораида қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар халқимизга хос хусусият бўлиб, миллий табиатимизнинг узвий қисмига айланган. Ҳар бир оилада, ҳар бир маҳаллада, энг аввало, ёшларнинг саломаатлигини таъминлаш, уларга яхши билим бериш, айни пайтда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга муносиб шахслар этиб вояга етказиш азалдан муҳим масала бўлиб келган. Ҳозир ушбу вазифалар ижроси Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу эса барча соҳаларда юксак ютуқларга эришиш имконини бермоқда.

Мухтасар айтганда, ҳою ҳавас, моддият ортидан кўнгилга келганини қилиш, кўнгил хушлиги, дил истаги учун қўлдаги телефондан баҳра топиш — бу тун чоғи ярқ этиб кўзга ташланадиган жилвакор олис юлдузлар шуъласига ўхшайди. Живир бор, тафти йўқ. Маънавият эса — қуёш. Унинг ҳарорати, умри бейзайдиган нуру зиёси бор. Юлдузларга маҳлиё бўлиб, офтобни бой бериб қўймайлик.

ИНСОФ БЕРГАНИ РОСТ БЎЛСИН!

Чекка қишлоқда яшовчи Эгамқул бобонинг мухбир йигитга берган интервьюси



Профессор экан бари,
На-ақ Тошкандан келишди.
Бола-бақра, ҳаммамизнинг
Созлиғимиз тегиштиришди.

Кўзимга ёш келди, болам,
Кўнгишларим эриб кетди.
Улар ҳатто сўхатгоҳга
Йўланма ҳам бериб кетди.

Табиб ўз оёғи билан
Ўзи келгани рост бўлсин.
**Шифокору дўхтирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Агар билсанг, бу дунёда
Бонкчи деган кас бўларди.
Иши тушиб борган одам
Олдида хор-хас бўларди.

Қарз олиб, мол-ҳол қилай, деб
Борсак қовоғин уярди.
Арзимасан уч-тўрт сўмга
Бир дунё шартин қўярди.

Энди эса бонкчи ўзи,
Қаранг, уйма-уй юрибди,
Мана лойиҳа, кредит,
Фақат ишланг, деб турибди.

Тадбиркор ҳам одамларнинг
Кам-қўстига қараяпти.
Ўзим бўлайин, демасдан,
Эл қорига яраяпти.

Ана, бири богча қурди,
Бири ишнинг қўзин билди –
Зўр фабрика ташкил қилиб,
Юз одамни ишли қилди.

Одамларга ёрдам қилиб,
Ҳаммани тенг қўрар бўлсанг,
Асли инсоф деганинг иш,
Асар мендан сўрар бўлсанг.

Одамларга ёрдам – элга
Қўмак, дегани рост бўлсин.
**Тадбиркору бонкчиларга
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Яна гап кўп, айта берсам
То кечгача адо бўлмас.
Газетингда босиб чиқсанг,
Бу гапларим хато бўлмас.

Юртбошимиз бир келдию
Йўлга ҳам сон кириб қолди.
Сувлар келди, газлар келди,
Светга жон кириб қолди.

Стадион, кутубхона...
Обод қишлоқ бўлиб қолдик.
Шаҳрдан ҳеч камимиз йўқ,
Кўнгилимиз бут, тўлиб қолдик.

Мактаб қадди тикланётир,
Таълим ҳам шунга хос бўлсин.
**Энди домла-маллимларга
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Уйли бўлди участкавой,
Маҳалламиз обод бўлди.
Раисимиз ҳокимларнинг
Майлисидан озод бўлди.

Эл оралаб юрар улар,
Хизмат изатга мос бўлсин.
**Оқсоқолу посбонларга
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Самад қўшим касал бўлиб,
Уйда ётиб қолган эди,
Кенжам қандай ўқитсам, деб,
Боши қотиб қолган эди.

Минг қиз билан Шарапат ҳам
Грантларга кириб кетди.
Контрактнинг ташивишдан
Қўшимни қутқариб кетди.

Аёллару ёшларни деб
“Темир дафтар” тўтиляпти.
Қанча одам ишли бўлиб,
Камбағалликдан қутуляпти.

Одамларнинг дуосини
Олай дегани рост бўлсин.
**Сектор раҳбарларига
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Кеча лекин озроқ изза
Бўлиб қолдик, мухбир болам.
Ер ёрила қолмади-ю
Кириб кетолмадик биз ҳам.

ЭМ-ЧЕ-ЭСдан аскарлар кеп,
Ўтимимиз ёриб берди.
Сал бўлмаса, супра ёйиб,
Ҳамиримиз қориб берди.

Оппоқ сочли бир генерал
Деворимиз оқлай кетди.
Уялтириб ҳаммамизни,
Юрагимиз қоқлай кетди.

Ахир, уйда девдай ўғлим
Тилпон ўйнаб ётган эди.
Яна бири тилвизўрга
Қараганча қотган эди.

Туриб кетдик ўрнимиздан,
Хижолатдан ўлай дедик.
“Ўз кўнингга ярамасанг,
Бу кўнингдан ўл-эй”, дедик.

Фафлат босмай, одамлар ҳам
Сал гайратга тўлсин экан.
Давлат элим деса, эл ҳам
Шунга лойиҳ бўлсин экан.

Ўғилларим бир гектардан
Ерни олиб иш бошлади.
Қизим тикувчилик очди,
“Тик-ток” иниям ташилади.

Эси кирди момонгния,
Кўз юмиб у сериялга,
Наваралар тарбиясин
Қайта бошдан олди қўлга.

Ўзгарди шу жужуқларам,
Бири кашта тўқияпти.
Бири кампўйтер ўйнамай,
Навоийни ўқияпти.

Янги замон боласи-да,
Тарбиясиям соз бўлсин.
**Момонгсаям, болларсаям
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Шундай гаплар, мухбир болам,
Қизиқ ишлар бўлаётир.
Ҳатто бизнинг одамлар ҳам
Ўзгаришлар қилаётир.

Билсанг, асли гурбат, зийбат
Бекорчининг иши экан.
Энг тинч одам ким, десаңг, бу
Ишлайётган киши экан.

Ҳар банданинг умид билан
Худо дегани рост бўлсин.
**Одамларга ҳам дийнат,
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Сен-чи, болам, яқинингга
Йўлатмасдинг-ку ҳар қимни.
Мана, энди ўзинг келиб,
Эшитаясан аҳволимни.

Мухбир деган элнинг дардин
Ёзсин-у, сўзи рост бўлсин.
**Мухбир болам, ўзингга ҳам
Инсоф бергани рост бўлсин.**

Қаранг, оддий халқ дардини
Ўйлайдиган бор экан-да.
Халқим деган жўмардларга
Халқ дуоси ёр экан-да.

Бўларкан-ку, қисқа вақтда
Шунча ишлар қилинди-ей.
Буни қўриб дўст-душмanning
Тан бергани билинди-ей.

Унутмай энди инсофни,
Раҳбарлар халқ томон бўлсин.
**Шу ишлар бошида турган,
Юртбошимиз омон бўлсин!**

**Эгамқул бобонинг сўзларини
мухбир Қурбон ЖОНҚОБИЛ
оққа кўчирди.**

ХУНАРМАНДЧИЛИК

МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИКНИ УЙЎНЛАШТИРИБ...

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Хунар, хунардан ризқ унар”, “Хунарли хор бўлмас”, деган мақоллар бежиз айтилмаган ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бугун, айниқса, ёшларга хунар ўргатиш асосий вазифалардан бирига айланган.



Ушбу меҳнат тури ортидан ўзини ўзи банд қилаётган одамлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Гап ушбу касб ҳақида борар экан, Сурхондарёнинг Бойсун туманини чин маънода хунармандлар макони дейиш мумкин. Бу жойда оддий терак ёғочидан кўзни қувонтирадиган ранг-баранг мебель буюмлари, тут ва ёнғоқ дарахтларидан дўмбира ясайдиган усталар жуда кўп.

Тумanning “Тоқчи” маҳалласи фукароси Назокат Собирова хунари ортидан обрў ва ризқ топанлардан. У ёш бўлса-да, аллақачон дунёнинг кўп мамлакатларида бўлган ҳамда тайёрлаган буюмлари билан хорижликларни ҳам лол қолдирган, маҳлиё этган. “Назокат” миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш кооператив корхонаси раҳбари ўзи ва шогирдлари тайёрлаган миллий хунармандчилик маҳсулотлари

билан халқаро “Атлас байрами”, “Юксак маънавиятли авлод”, “Энг яхши хунарманд қиз” қўрик-танловларида иштирок этган. Жумладан, уч марта халқаро, саккиз марта республика фестиваллари ва танловлари ғолиби бўлган.

— Аждодларимиз хунармандчилик ортидан обрў топан. Мен ҳам ёшлигимдан гилам тўқиш, миллий матолардан сумкалар, дўппилар тайёрлашни онамдан ўрганганман, — дейди Назокат. — Хунармандчилик соҳасида онам бешинчи, мен олтинчи авлодимиз.

Ёш хунарманд хунарини бошқаларга ўргатишдан эринмайди, уларни ишли қилишга ҳисса қўшиб келяпти. Ҳозирда унинг корхонасида 50 нафар хотин-қиз ҳам хунар ўрганапти, ҳам меҳнат қияпти. Онаси Розия Эшонқулова эса ҳаммага устоз. Айни пайтда она-бола хунармандлар бу йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган халқаро фестивалда қатнашиш учун узунлиги 35 метр, эни 3,5 метр, оғирлиги 300 килограмдан иборат қуруқ тайёрлашмоқда. Буюмни тайёрлаш жараёнида миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш мақсадида 12 хил қуруқ усулдан фойдаланилган.

— Дўппилар, гиламлар, жанда, миллий сумкалар, либослар, жалақ, тўнларни қўл дастгоҳлари ёрдамида тайёрлаймиз, — дейди ёш хунарманд. — Уларни тикишда турли табиий ипдан фойдаланамиз. Шу боис миллий буюмларимизнинг ҳаммаси харидорғир. Бойсун ўзининг бетакрор табиати ва санъати, сўлим гўшалари ҳамда ранг-баранг миллий хунармандчилик буюмлари билан хорижликларни мафтун этган макон. Бойсунга тез-тез ташриф

буюрадиган хорижлик сайёҳлар, айниқса, жандани кўп сўрашади. Чунки жанда Бойсунга хос, ипақдан тўқиладиган миллий мато.

Айтиш керакки, бой маданий мероси ва тарихий анъаналарни тўлиқ сақлаб қолиш ҳамда кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу соҳага меҳри тушган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Сурхондарё вилоятидаги “Хунарманд” бошқармаси жамоаси томонидан мақтовга арзирли ишлар бажариляпти. Хусусан, иш топишда қийналаётган ва касб ўрганиш истагида бўлган ёшлар, шунингдек, хотин-қизлар учун воҳанинг турли манзилларида ўқув курслари ташкил этилиб, “уста — шогирд” анъанасига асосан, турли касб-хунар ўргатиляпти.

— Охирги йилларда воҳада хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш ва ғамхўрлик кўрсатиш эвазига 4 011 та иш ўрни яратилди. Уста хунармандлар томонидан 9 393 нафар шогирд тайёрланди, — дейди вилоят “Хунарманд” бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шокир Чориев. — Фақат 2020 йилнинг ўзида хунармандчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида хунармандларнинг 1 637 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада 8 656 та иш ўрни яратилди.

“Хунарманд” бошқармасидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ўтган йил 87 та ўқув курси фаолият кўрсатган ҳамда уларда 870 нафар хотин-қиз хунармандчилиikka ўргатилган. Уларга гувоҳномалар



берилиб, вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси маблағи ҳисобидан 87 нафар уста-хунарманд аёлга ойлик иш ҳақи ва 870 нафар ишсиз хотин-қизга субсидия ажратилган.

Воҳанинг олис туманларидан бири Олтинсой “Хунарманд” бўлимининг 247 нафар аъзоси бор. Гилам тўқиш ўқув курсларини тамомлаган хотин-қизларга устоз-шогирд анъанасига мувофиқ ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш учун бир донадан гилам тўқиш дастгоҳи бепул тарқатилди. Қўлда гилам тўқиш ўқув курсларида Шоҳида Ҳасанова, Меҳринисо Норқобилова, Гулбаҳор Жумаева, Шаҳноза Йўлдошева каби уста-хунармандлар ёшлар

ва аёлларга қўлда гилам тўқишнинг афғонча, зарчава, хоразм усулларини ўргатишган. Бундан ташқари, уста-хунарманднинг ҳар бирига ўн нафардан жами 60 нафар аёл бириктирилган. Ҳозирда улар 34 та хунармандчилик йўналиши бўйича фаолият олиб боришяпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, воҳанинг ҳар бир ҳудудида хунармандларни бир жойга тўплаш, улар томонидан тайёрланган буюмларни сайёҳлар ва чет эллик меҳмонларга намойиш қилиш ҳамда сотиш учун ҳам шароит яратиш керак. Бундан анча аввал Бойсун туманида “Хунармандлар маркази” очилганди. Бу тажриба оммалаштирилса фойдадан холи бўлмайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 445.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳих: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 00:55 Топширилди — 01:00